



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 7 март, № 49 (8672)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Бунёдкорликдан тафаккур ўзгариши сари

Тошкентни яхши биладиган одамлар, албатта, Ўқчи, Эгарчи, Олмазор маҳаллалари ҳақида яхши тасаввурга эга. Ўтган асрнинг 80-йиллари сўнггида — “қайта қуриш” даврлари ва мустақилликнинг бошларида замон шарофати билан юзага чиққан кооператив ширкатлар ва майда савдогарларга “ошкоралик туҳфаси” сифатида берилган имконият ўлароқ шаклланган ўзига хос чайқов бозори айнан шу маҳаллалар ҳудудига туташ катта жарликнинг бир биқини — Навоий кўчаси ва Хадра майдониға яқин жойда қўним топганди.

Муносабат

Аввалига Тошкентдаги олий ўқув юр-ларида таҳсил оладиган хорижлик талабалар ва четдан маиший моллар олиб келиб, икки бараварига пуллайдиган ўзимизнинг “учар”лар танда курган айни бозор, очиги, ўзимизга ҳам жуда файзли ва ҳароратли кўринарди. Чунки бу ер узоқ йиллар ёпиқ бўлган жамият учун глобал дунё, айниқса, Фарб маданияти ва саноат имкониятлари ҳамда ютуқларини намойиш этарди, гўё.

Озодликка эришганимиздан кейин ҳам ўн йиллар бу ер “тижорат қатори” нисба-ти билан тилларда айланиб юрди. Сўнгра пойтахт марказидаги айни “чандик” ким-ларнидир безовта қилди шекилли, бу ерда турнақатор қилиб тураржой бинолари қад ростлади. Аммо худди “инкубатор”дан чиқ-қандай бир хил тусдаги бу иншоотлар орти қандай бўлса, шундай ташландик жарлик “мақоми”да қолаверди. (Очиғи, ўша қурил-ган уйлардан мақсад аслида хунук манза-рани кўздан пана қилиш бўлганини бугун кўпчилик яхши билади). Энг ёмони, бу жой шаҳардаги бузиш-қуриш ва бошқа саноат кўчимлари, маиший чиқиндилар ташлана-диган улкан хандаққа айланди қолди. Та-саввур қилинг, мамлакат пойтахтининг қоқ марказида улкан чиқиндиҳона...

Тўғриси, Бошкентнинг юраги, янги Ўзбе-кистонимизнинг том маънода замонавий

рамзига айланиб бораётган “Tashkent City” ўрни бундан атиги 6-7 йил илгари шун-дай, кўрганда кўзингга чўндай қадалади-ган, дилингни қоронги қиладиган, халқо-на айтганда, гадей юрмас харобазор бўлганини ўз кўзи билан кўрмаган, бил-маган одамга айтсанг, ишонмайди.

Мен бу гапларни бекорга айтаётганим йўқ. Кеча давлатимиз раҳбари пойтахти-мизда амалга оширилаётган қурилишлар, жумладан, минтақамизда муқобили йўқ бўлган “Tashkent City Mall” савдо-кўнгилочар марказини кўздан кечирди.

У биз юқорида мухтасар ҳикоя қилган ҳудудда жойлашган. Очик айтаман, мен Шавкат Мирзиёев билан жуда кўп сафар-ларда, учрашувларда бирга бўлганман. Аммо шу мажмуага келгандагидек кайфи-яти чоғ бўлганини, кўзлари қувончдан пор-лаганини кам кўрганман.

Менинг назаримда, иншоотнинг маҳо-батыо чиройидан эмас, кўпроқ бу ерда дам олиш, томоша қилиш ёки сайру саёҳат учун келган одамларнинг кайфия-тидан, руҳиятидан Президентнинг қалби қувнаб кетди.

Одамларки, илгаригилардан юриш-тури-ши, кайфияти, айниқса, юз-кўзларидидаги қувончу самимият билан хийла фарқлана-ди. Болалар ва ёшларнинг қадам олиши ўта шахдам, атрофга, ҳаётга дадил боқади.

Бу кўтаринки умумкайфият Миллатимиз Лидери кўнглига ҳам кўчди. Шавкат Миронович атрофдаги расмий кишилар-нинг имо-ишорасига қарамай халқ ичига кириб кетди. Оддий одамлар, ёшлар, ай-ниқса, болалар билан дилдан суҳбат қилди, ҳамсуҳбатларининг кайфияти, дунёқараши билан қизикди.

Манзара шундай эдики, Миллат Лидери ўз халқи орасида эди. Президентни фуқа-роларимиздаги дунёқараш, тафаккур тар-зи ўзгараётгани хурсанд қиладигандай эди, назаримда. Бу ҳақда қуйироқда тўхтала-миз. Ҳозир эса одамга мана шундай ши-рин туйғулар улашган воқеага асос бўлган савдо маркази ҳақида кўрган-билганимиз-ни қисқача баён қиламиз. Зотан, давлат раҳбари таширф буюрган экан, бунинг ал-батта, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда бир-рор қиймати бўлади.

Мажмуа кўп функцияли. У “Вақт аро са-ёҳат” номли 3 та ноёб атриумни ўзaro бирлаштирган бўлиб, ҳар қандай таширф буюрувчининг кўнглида беихтиёр Ўзбе-кистоннинг бой тарихи, маданияти ва аъёналари ҳақида ёрқин таассурот қол-диради. Ҳудуддаги яшил муҳит эса комплекснинг интерьерига уйқошиб, “Tashkent City Park” билан узвий боғла-ниб кетади.

“Tashkent City Mall” марказининг уму-мий майдони 250 минг квадрат метрдан иборат. Бу ерда замонавий тижорат ва хизмат турларини қамраб олган савдо дўконлари, ресторан ва кафелар ҳамда йирик кинотеатр ва спорт майдонлари жойлашган. Унинг ер остида эса 2500 та сизимли 2 қаватли автотураргоҳ ҳам бор.

Айни вақтда бу ерда дунёнинг энг машхур брендлари — “Zara”, “Zara home”, “Massimo Dutti”, “Oysho”, “Bershka”, “Stradivarius”, “Pull&Bear” ҳамда “Union Space” ретейлерининг “Adidas”, “Reebok”

ва “Nike” шохобчалари очилган. Шунинг-дек, мажмуада моно ва маҳаллий бренд дўконлари ҳам мавжуд.

Комплекснинг кўнгилочар қисмида эса экстремал аттракционлар, виртуал муҳит зонаси, тренажёр зали, функционал (ком-плекс равишдаги) машқлар учун ихтисос-лаштирилган зона, аквазоналар, гуруҳ машқлари ва пилатес учун студиялар, скалодром (қояга чиқиш машқлари учун махсус девор), фин саунаси ва криосау-на, падел тенниси учун кортлар ҳамда болалар учун ўйин майдонлари ташкил этилган.

Айтиш жоизки, мажмуа бир кунда 60 минг кишига хизмат кўрсатиш қуввати-га эга. Қувонарлиси, унинг ишга тушири-лиши натижасида қарийб 3 минг киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Бу шунча оиланинг рўзгорига барака кирди, дега-ни. Хуллас, бу ерда халқимиз ва пойтахт меҳмонларининг вақтини қизикарли ўтқа-зиши ҳамда мароқли дам олиши учун бар-ча шароит яратилган.

Яна бир маълумот: мажмуага ёндош ҳудуд-да “Tashkent City Mall”нинг бир қисми ҳисоб-ланган беш юлдузли меҳмонхона ҳам бор.

31 қаватдан иборат ушбу меҳмонхона бир вақтнинг ўзида 500 кишига хизмат кўрсатиш имконига эга. Унда юқори мар-табали меҳмонлар учун барча шароит муҳайё қилиниб, 273 та стандарт хона ташкил этилиши режалаштирилган.

Меҳмонхонада, шунингдек, катта ва ки-чик конференция заллари, очик ҳамда ёпиқ сузиш ҳавзалари, ресторан ва кафе-терий хизмат кўрсатади. Бинода замон талабига мос “Ақлли уй” тизими ҳамда тезюрар лифтлар ўрнатилган.

Меҳмонхона май ойида ишга тушири-лади. Пировардда яна 500 киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

(Давоми 2-бетда).



«ЎЗБЕКИСТОН – 2030» СТРАТЕГИЯСИНИНГ УСТУВОР Йўналишларини амалга ошириш доирасидаги ишларнинг бориши кўриб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 март куни иқтисодий ривожланиш, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчи Сума Чакрабарти билан учрашув ўтказди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг бориши ва уни жорий йилда амалга оши-риш бўйича давлат дастурининг ижроси кўриб чиқилди. Ўзбекистоннинг ЖСТга ки-риш бўйича музокалар жараёни доира-сидаги ишларни фаоллаштириш, жумла-дан, миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар-ни ташкилот талабларига уйғунлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Ичимлик суви таъминоти, мактаблар ин-фратузилмасини яхшилаш, онкологик ка-салликларнинг олдини олиш, давлат хиз-матида сифатни ошириш ва рақобатни

таъминлаш борасидаги лойиҳалар бўйи-ча аниқ амалий чораларни давом этти-риш зарурлиги таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистоннинг инвести-циявий жозибadorлигини ошириш, жум-ладан, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш маса-ласига эътибор қаратилди. Шу маънода, маслаҳатчи илғор халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда тижорат низоларини ҳал қилишнинг аниқ механизмларини тақ-лиф этди.

ЎзА.

Дунё нигоҳи

Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан бир овоздан маъқулланган резолюция жаҳон туризм саноатида муҳим воқеалик бўлди

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган “2027 йил — Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили” резолюцияси кенг жамоатчилик, эксперт ва таҳлилий доира вакиллари, БМТнинг ихтисослаштирилган агентликлари ва халқаро ташкилотларнинг юқори қизқиқишига сабаб бўлаётди.

Хусусан, “BNN Breaking” халқаро ахборот агентли-ги мазкур ҳужжатнинг қабул қилинишини “жаҳон туризм секторидаги муҳим воқеа” сифатида баҳолади. Таъкид-ланишича, БМТ томонидан



2027 йилнинг “Халқаро барқарор ва яшовчан ту-

ризм йили” деб эълон қили-ниши сайёҳлик саноати ол-дида турган мураккаб муам-моларни эътироф этиш ва хал қилиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Резолюция янада барқарор, яшовчан ва инклюзив туризм секторини яратиш учун ҳамкорлик ҳамда инновацияларни рағ-батлантириб, келажақ учун аниқ йўналишларни белгилаб беради.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРИДАГИ «ЎСИШ НУҚТАЛАРИ» ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 март куни Тошкент вилоятининг туман ва шаҳарларидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Тошкент вилоятида 15 та туман ва 7 та шаҳар бор. Ҳудуд қулай географик маконда, воҳа ва водий вилоят-ларини пойтахтимиз билан боғлайдиган муҳим транс-порт йўлида жойлашган.

Лекин вилоятнинг иқтисодий ривожид салохия-ятга умуман мос эмас. На савдо, на ер-сув, на транс-порт-транзит имкониятларидан тўла фойдаланил-япти. Баъзи кўрсаткичлар бундай қулайликлар бўлмаган айрим чекка ҳудудлардагидан ҳам паст.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда ишга солинмаётган имкониятлар, бу борадаги сусткашликлар кўрсатиб ўтилди.

Пойтахтимиз жадал ривожланаётгани ҳолда унинг ёни-даги вилоят ҳудудлари бу суръатдан ортада қолмоқда. Масалан, Тошкент, Зангиота, Қибрай, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ туманларида саноат ҳажми ёндош пойтахт туманларига нисбатан бир неча баробар кам. Қурилиш соҳасида ҳам шу аҳвол.

Бир қатор кичик тадбиркорлар фаолиятини тўхтат-ган. 29 та йирик корхонада ҳамда Бекобод ва Янгийўл шаҳарларида ишлаб чиқариш қамалган. Вилоятда экин ерлари кўп бўла туриб, Андижон билан деярли бир хил ҳажмда маҳсулот етиштирилган.

Ҳудудларнинг бор салохияти даромадга айланмаяп-ти. Сабаби “ўсиш нуқталари”ни топиш ва ишга солиш бўйича ҳокимларда ташаббус етишмаяпти. Айрим ҳоким-лар ҳатто ўз ҳудудида “пастга тушмаган”, тадбиркорни қўллаб-қувватлаш, иш ўринларини кўпайтиришга ҳара-кат қилмаган.

Йиғилишда вилоятдаги шаҳар ва туманлар мутасад-дилари ўз фаолиятида ўзгариш қилмас, лавозимига лойиқлиги кўриб чиқилиши тўғрисида огоҳлантирилди.

Давлатимиз томонидан учун учун барча имконият яратилган. Лекин ҳамма туманларда ҳам ривожланиш бир хил эмас. Хусусан, Паркент, Янгийўл, Чиноз ва Оққўрғон туманларида туризм, транзит ва иқтисодий қулайликлар кўп бўлса-да, тараққиётдан орқада. Шу боис, Президент тошйиригига мувофиқ, улардаги ҳақиқий ҳолат, имкониятлар ва тадбиркорларнинг тақ-лифлари ўрганилди.

Йиғилишда шу борадаги таҳлиллар, мазкур туман-ларнинг “ўсиш нуқталари” тақдимот қилинди.

Жумладан, Паркент туманининг ҳушманзара жойла-рига олиб борувчи йўллари таъмирлаш, микроавто-буслар қатновини ташкил этиш, йўл бўйида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун тадбиркор-ларга ер ажратиш тақлиф этилмоқда. Паркентсой, Қизилсой ва Човлисойнинг муҳофаза ҳудудини аниқ бел-гилаш ва киргоқларини мустаҳкамлаш орқали бўшайди-ган ерлардан самарали фойдаланиш ҳам мумкин.

Янгийўл туманида “лойиҳа қиламан, инвестиция олиб келаман”, деган тадбиркорлар жуда кўп. Лекин лойиҳа-лар учун ер топиш муаммо. Шу боис ҳозирда бўш тур-ган иншоотда озик-овқат ва гигиена маҳсулотларига ихтисослаштирилган кичик саноат зонаси ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Чиноз туманида савдо-кўнгилочар мажмуа ва замо-навий балиқ бозори барпо этиш, йўл бўйида савдо ва хизматларни кенгайтириш, хонадонларда иссиқхо-наларни кўпайтириш каби имкониятлар ҳисоб-китоб қилинган.

Оққўрғонда саноат ривожланмагани сабабли кўплаб хотин-қизлар Тошкент шаҳри ва бошқа туманларга қат-наб, тўқимачилик корхоналарида ишламоқда. Шундай корхоналарни тумандаги бўш бинолар ўрнида ташкил қилиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари туманлар иқтисодиётини соғлом-лаштириш бўйича чораларни кўрсатиб ўтди. Мутасад-диларга вилоятнинг барча ҳудудини шундай таҳлил қилиб, қўшимча “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш, даромад манбаларини кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Бу борада бир қатор режалар ҳам бор. Хусусан, Охан-гарон туманида Ўзбекистон — Венгрия саноат зонаси ташкил этилиб, 100 миллион долларлик лойиҳалар жой-лаштирилади. “Ангрен” эркин иқтисодий зонасида маи-ший техника, металл прокат, мева-сабзавотни қайта иш-лаш бўйича 400 миллион долларлик, “Элтех индустри-ал” технопаркида 260 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилади.

Йиғилишда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиб, иқтисодий-ижтимоий лойиҳаларни жадал-лаштириш масалалари кўриб чиқилди. Пойтахтдаги са-ноат корхоналарини босқичма-босқич шаҳардан ташқа-рига кўчириш режалаштирилган, бу Тошкент вилояти учун катта имконият экани таъкидланди.

Ўзини ўзи банд қилган инсонларнинг кичик бизнесга ўтиши, фаолиятини тўхтатган тадбиркорларнинг ишини яна тиклашига қўмақлашилади. Томорқаларда Чиноз таж-рибаси бўйича ихчам иссиқхоналар, кооперация асоси-да маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш мажмуалари ташкил этилади.

Шунингдек, жорий йилда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини 5 миллионга, туризмда экспортни ка-мида 300 миллион долларга етказиш чоралари бўйича фикр алмашилди.

Хотин-қизлар ва ёшларни касбга ўқитиш ҳамда бандлигини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эъти-бор қаратилди.

ЎзА.



БУНЁДКОРЛИКДАН ТАФАККУР ЎЗГАРИШИ САРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кимдир ёзган эди: Мустафо Камол Отатурк халққа шляпа кийишни мажбурий қилганда, кийимни эмас, рухиятни ўзгартиришни мақсад қилган эди. Ҳа, шахснинг шаклланишида психология муҳим роль ўйнайди. Буни фан исботлаган.

Отатурк Усмонли империясининг консерватив кадриятларини ўзига мерос қилиб олган замонавий турк жамиятини шакллантиришда бу йўлдан моҳирлик билан фойдаланган. Аммо ҳозир гап Туркия ҳақида ҳам, унинг атоқли йўлбошчиси ҳақида ҳам эмас, гап ўзимиз ҳақимизда. Яъни миллатни илҳомлантирадиган, қалбини завқ-шавққа тўлдирадиган, совет ва ундан кейинги замонларнинг хира хотираларидан чароғон манзиллар сари етакловчи, келажакка илҳомлантирувчи амаллар ҳақида.

Ўз моҳият-этибори билан айтили бунёдкорлик ишлари худди Турк лидери Мустафо Камол тажрибасидек одамлар тафаккурини ўзгартиришга қаратилгани билан аҳамиятли, десам, тўғри гапни айтган бўламан.

Илгари ҳам ёзганман. Бизда мустабидликдан кейинги замонларда ҳам дунёқараш, айниқса, сиёсий эҳтиёт ўзгариши анча қийин кечди: давлат структуралари ва жамиятни ислоҳ қилишда евроцентрик гоялар, хис-туйғулар устунилик қилди. Глобал дунё, айниқса, тараққийпарвар маданиятлардан кўркув, замонавий тамаддуўларга интеграция бўлишдан шубҳали хавотир бордек эди.

Бунданам тўғрироғи, Ғарб кадриятлари, айниқса, либерализми турли лаш-лушларга ўралашиб ўрнашиб олган, палак ёйиб кетса, нима бўлади, деган жавоби мураккаб бўлган савол ҳам йўқ эмас эди. Эҳтимол, шу ҳадиқ боис Ғарб сари “юриш” ими-жимиди тўхтади. Бу нафақат тизим ва жамиятдаги ислохотлар, ҳатто ижтимоий таъсирлардан хийла холи бўлган соҳалар, масалан, оддийгина меъморчилик ва шаҳарсозлик соҳасида ҳам кўзга ташланди.

Тошкентда чорак аср мобайнида ўтган асрнинг 90-йиллари бошида қурилган “Миллий банк” ва “Интерконтиненталь” меҳмонхонасини ўз ичига олган ансамбль ва унинг биқинидаги “Дисней Ленд” болалар кўнгилочар ўйингоҳидан бўлак Ғарб аъёнлари ва архитектурасини ўзида жамлаган, “озодлик илҳоми” (модернизм) қудратини ўзида акс эттирадиган бирор иншоот барпо этилмади. Ва айни омилар маданият ва санъат, жумладан, миллий эҳтиётимиз, тафаккуримизнинг темир қобик ичида қолиб кетишида, академик тилда айтганда, колониал характер касб этишида асосий роль ўйнади.

Мен юқорида Отатурк билан боғлиқ воқеани бекорга келтирмадим. Зотан, кучли лидерлар ҳар қандай “ўтиш даври”да асосий эътиборни халқнинг, миллатнинг, жамиятнинг тафаккурини ўзгартиришга, ўзи орзу қилган улкан мақсадларга уйғунлаштиришга ҳаракат қилади, буни ислохотларининг пойдевори сифатида талқин этади.

Шу маънода, бугун Ўзбекистонда кенг қулоч ёйган улкан бунёдкорлик, совет даврида бўлганидек, қўшнилар билан “кимўзар”га чираниш эмас, балки миллатимизнинг руҳиятини кўтариш, тафаккурини янгилаш, қисқача айтганда, биз дунёдаги ҳеч бир давлат ёки халқдан кам эмасмиз, деган туйғуни одамларимиз қалбиди алангалатишни мақсад қилган, десам, янглишмаган бўламан. Зотан, бунёд этилаётган бу иншоотлар — халқ учун, келажак авлод учун.

Эътибор қилинган, 2023 йил мамлакатимизда жами 149 864,1 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилган ва бу 2022 йилдагига нисбатан 6,4 фоиз ўсган. Албатта, мен қурилиш соҳаси таҳлилчиси эмасман, аммо оддий одам ҳам тушунадиган бу рақамлар юртимизда бунёдкорлик учун қандай қўламда иш кетаётганини аниқ кўрсата олади.

Мени қувонтираётган жиҳат эса айни яратувчилик одамларимиз турмуши билан бирга, уларнинг тафаккурини ҳам янгилаётганида. Ҳа, бугун одамлар ўзгарди. Ҳаётга, Ватанга муҳаббати ошди. Буни ҳикоя қилаётганимиз савдо маркасида Президентимизнинг ташрифи давомида ҳам аниқ сездим. Халқимизнинг бўлаётган ўзгаришларга, янгилашларга меҳри ўзгача. Айниқса, ёшлар кўзидаги ишонч ва қатъият одамни тўлқинлантиради.

Кечаги ташриф давомида фуқароларимиз ва Президентимизнинг фавқулодда мулоқотини кўриб, бир нарсани чуқур англадим. Халқ ўз Лидерига ишонади, унга камарбаста бўлишга

ўзини масъул, деб билади. Бу жуда катта ютуқ! Президентнинг, халқнинг, ўтмиши шонли бўлган Ватанимизнинг тарихий ғалабаси, агар англаётган бўлсангиз.

Давлатимиз раҳбарининг халққа жуда яқинлигини ва одамларимизнинг унга қатъий ишончини бугун дунёдаги кўп экспертлар, сиёсатчилар ҳақли маънода эътироф этишмоқда. Хусусан, британиялик журналист Жоанна Лиллис ўтган йили 10 июлида “ВВС”га берган интервьюсида Ўзбекистон ҳақида гапираркан, “Мен яқинда Ўзбекистонда бўлиб қайтдим. Одамлар билан суҳбатлашар экансиз, у (Шавкат Мирзиёев) машҳур эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин” деган эди.

Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам борки, буниям айтиб ўтмасак, адолатсизлик бўлади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган шунча ишлар устига парда тортиб, фақат иллат ва камчилик қидирадиган бир қавм ҳам кейинги йилларда бизда шаклланди.

Фақат ёмон дейиш, инкор қилиш, нолиш бундай одамларнинг асосий вазифасига айланиб қолгандек, гўё. Майли, тўфонни қоғоз тўсиқ билан тўсиб бўлмаганидек, янги Ўзбекистонимизни Президент Шавкат Мирзиёев бошлаб бораётган йўлдан ҳеч нарса ортга қайтара олмайди. Муҳими, халқимиз ўз Лидерига ишонади, уни қўллаб-қувватлайди. Энг асосийси, давлат ҳам, жамият ҳам улкан ўзгаришлар жараёнига кирди.

Қудратилла РАФИҚОВ,
сиёсатшунос.

Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан бир овоздан маъқулланган резолюция жаҳон туризм саноатида муҳим воқелик бўлди



“Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили иқтисодий ўсиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва ижтимоий адолат ўртасидаги уйғун мувозанатга интилиб, саноатнинг сайёра-миз ҳамда унинг аҳолисига таъсирини қайта аниқлаш учун ноёб имконият тақдим этади”, дейилади “BNN Breaking” тарқатган мақола хулосасида.

Бутунжа-хон туризм ташкилоти (ЮНВТО) 2027 йилнинг “Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили”

деб эълон қилинишини туризмнинг барча учун яхшироқ дунёни барпо этишдаги ролининг яққол эътирофи эканлигини таъкидлади. “Бу сайёҳлик кучли ва ҳар қандай қийинчиликларга самарали дош бера оладиган даражада хилма-хил бўлишини таъминлаш учун биргаликда ишлаш имкониятидир”, дейилади ташкилот хабарномасида.

ЮНВТО, шунингдек, Ўзбекистонга ва ушбу ҳужжатнинг бошқа 80 дан ортиқ ҳаммулк-лифларига резолюция ташаббус-корлиги ва қўллаб-қувватлаган-ликлари учун самимий миннат-дорлик билдирган.



БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг Тоғлар бўйича ҳамкорлик гуруҳи порталида эълон қилинган мақолада ёзилишича, тоғ туризми барқарор бошқарилса, маҳаллий ҳамжамиятларнинг даромадларини ошириш ва уларнинг табиий ресурслари ҳамда маданиятини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Шу муносабат билан Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили ҳамма давлатлар, БМТ тизими ва бошқа тузилмалар учун сайёҳликнинг барча даражасида, шу жумладан, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш ва тарғиб қилиш вазифаси сифатида фаолият юритиш ҳамда барқарор ривожланишни жадал-лаштириш учун ноёб имконият экани таъкидланади.

Қайд этилишича, туризм индустрияси вакиллари (туристик ассоциациялар, компаниялар, туроператорлар) Ўзбекистон ташаббусини илиқ қутиб олган.

Барқарор туризм-ни ривожлантиришга иxtисослаштирилган “GUAVA” сайёҳлик компанияларининг йирик тармоғи Бош Ассамблея резолюциясининг қабул қилинишини юқори баҳолади. Агентлик раҳбари **Габриэл Тан** ўз баёнида туризм сектори жаҳон яқли ички маҳсулотига салмоқли ҳисса қўишини, бутун дунё

бўйлаб 300 миллиондан ортиқ кишиларни иш билан таъминла-шини таъкидлади. Унинг айти-шича, саноат БРМга эришиш учун қалит ҳисобланади ва туризм секторини ўзгартиришга қаратилган сайё-ҳаракатлар жуда муҳимдир.

“GUAVA Net-Zero” компания-си экотизимдаги глобал страте-гик ҳамкорлари билан биргалик-да резолюцияни амалга ошириш ва туризм орқали Барқарор ри-вожланиш мақсадларига эришиш бўйича халқаро сайё-ҳаракат-ларни қўллаб-қувватлашга тайёрлигини тасдиқлади.

Халқаро амалий фанлар университети профессори, меҳмонхона би-знесида барқарорлиқни таъминлаш бўйича қўллаб маърузалар муаллифи **Вилли Лебранд** ушбу муҳим резолю-циянинг қабул қилиниши билан самимий қутлар экан, мазкур ҳужжатнинг академик доира ва-киллари ва таълим муассасала-ри талабалари учун муҳим аҳамиятига тўхталиб ўтади.

“Ушбу янгилик, ҳақиқатан ҳам, университетлар битирувчилари келажакда бажариши керак бўлган вазифаларни қўнуний-лаштиришда қучли туртки бўлиб, айти пайтда туризм саноатининг барқарор ривожланишини таъ-минлашдаги асосий ролини эътироф этади”, деди у.

Бош Ассамблея резолюцияси-га кўра, Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йилини муво-фиклаштириш ва амалга оши-риш вазифалари ЮНВТО зим-масига юкланган бўлиб, у ўз навбатида, халқаро йил учун аниқ вазифаларни белгилаб бе-рувчи стратегик режалар ҳамда “йўл хариталари”ни ишлаб чиқади.

Ушбу резолюцияни амалга ошириш бўйича ЮНВТОнинг те-гишли ҳужжатлари қабул қили-ниши қутлимоқда. Шунингдек, Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили муносабати билан йирик глобал ва минтақавий фо-румлар ҳамда тематик тадбир-лар ташкил этилади, дунёнинг етакчи оммавий ахборот воси-таларида кенг қўламли ахборот кампаниялари олиб борилади, жаҳон ҳамжамиятининг хабар-дорлигини ошириш ва туризм индустрияси институтларининг салоҳиятини кучайтиришга қара-тилган турли лойиҳа ва дастур-лар амалга оширилиши кўзда ту-тилган. Ижтимоий-иқтисодий ва экологик фаровонлиқни таъмин-лашда туризмнинг афзалликла-рини очиб беришга бағишлан-ган илмий наشرлар чоп этилади.

Миллий, минтақавий ва гло-бал микёсда амалга оширилган ишлар натижаларига кўра, ЮНВТО 2028 йилда Бош Ассам-блеяга батафсил ҳисобот тақдим этади.

«Дунё» АА.
Нью-Йорк.

СПОРТ МАҲОРАТИ МАКТАБЛАРИ янги чемпионларни тарбиялашда таянч даргоҳга айланади

Президент Шавкат Мирзиёев 5 март куни Тошкент шаҳрида спорт таълими, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги янги замонавий объектлар, экологик вазиятни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди. Хусусан, Баҳодир Жалолов иختисослаштирилган бокс спорт мактаби ҳамда Оксана Чусовитина иختисослаштирилган гимнастика спорт мактабига ташриф буюриб, ушбу таълим муассасаларида яратилган шароитлар билан танишди. Ёш

Дил сўзи

Баҳодир ЖАЛОЛОВ,
Бокс бўйича Олимпиада ва Осиё ўйинлари
Голли, икки карра жаҳон ва уч карра
Осиё чемпиони:

— Олимпия ўйинларидаги ғалабамиздан сўнг Президентимиз бокс бўйича Баҳодир Жалолов спорт маҳорати мактаби ташкил этилиши бора-сидаги қарорини имзолади. Бу қувончли янгилик менга жуда катта куч, баланд руҳ берди.

Юртимизда спорт турларига иختисослаштирил-ган янги мактабларнинг очилиши тарихий воқе-лик, десак, янглишмаймиз. Ёшларга таълим ва амалиёт уйғунлиқда бериладиган ушбу маскан-ларда мамлакатимиз иxtисори бўлган спортчи-лар камолга етиши, шубҳасиз.

Мактабимиз 175 ўринга мўлжалланган бўлиб, 5 — 11-синфларга ҳар йили 25 нафардан ўқувчи қабул қилинади. Бугунги кунда 50 нафар ўқувчи тажри-бали мураббийлардан сабоқ олмоқда. Қолавер-са, ўз тажриба ва маҳоратини ҳам ёшларга ўргатишга ҳаракат қилияман.

Давлатимиз раҳбари ёшларга Ватанимиз та-риҳини, хорижий тилларни янада чуқур ўргатиш



лозимлигини таъкидлади. Шундагина биз тарбия-лаётган йигит-қизлар юртимиз шарафини ҳимоя қилиш нақадар юксак бурч эканини юракдан ҳис этади, мамлакат шаъни учун борини бериб кура-шади. Чет элларда мураббийлар ва спортчилар билан бемалол мулоқотга киришади.

Изланишларимиз, машаққатли меҳнатлари-миз бесамар кетмапти. Тарбияланувчиларимиз орасидан янги чемпионлар етишиб чиқяпти. Ўқувчиларимиз ўтган йили халқро ва респуб-лика мусобақаларида 26 та олтин, 18 та ку-муш, 15 та бронза медалини қўлга киритди. Бу, албатта, фахрли натижа, бироқ бизда муваф-

спортчилар билан суҳбатлашди. Улар учун имкониятларни янада кенгайтириш бўйича мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик Ватанимиз фахри бўлган спортчиларни жуда қувонтириб юборгани шубҳасиз. Зеро, энди улар бокс ва гимнастика сир-асрорларини ёш авлодга ўргатиш, жаҳонда ўз ўрни, ўз сўзига эга бўлган, давлатимиз байроғини халқро майдонларда мағрур ҳилпиратадиган номдор спортчиларни тайёрлаш, ўз издошларини камолга етказишга ҳисса қўишда кенг имконият ва қулайликларга эга. Айни чоғда бу фахр-ифтиҳор бағишлаши билан бирга, катта масъулият ҳам юклайди.

фақиятларни янада ошириш учун имкониятлар етарли. Ҳозирда бу натижаларни янада яхши-лаш йўлида мураббийлар билан биргаликда бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилияпмиз. Аминманки, интилишларимиз, сабоқларимиз бесамар кетмайди, ютуқларимиз сон ва сифат жиҳатдан ошиб бораверади.

Очилини айтадиган бўлсак, илгари Ўзбекистон терма жамоасида ҳам мактабимиздаги каби ша-роитлар йўқ эди. Эндиликда терма жамоа спорт-чилари ҳам келиб бу ерда машғулотлар ўткази-ши мумкин.

Президентимиз кўрсатмасига кўра, мактаби-миз бутун мамлакатимиз ёш боксчилари учун ўқув-машғулот базаси бўлади. Ёш истиқболли боксчиларни танлаш ва тарбиялаш бўйича бошқа спорт мактаблари ҳамда марказлари би-лан ҳамкорлик қилиб боради.

Яратилган шароитлар, кўрсатилаётган меҳр учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирамиз ва келгусида ҳам бундай эътиборга муносиб бўлишга интиламиз. Жаҳон олимпиадаларида, халқро мусобақаларда муносиб қатнашиб, ол-тин медаллар шодаси билан юртимизга қайта-миз, орқамизда тоғдек суяб турган халқимиз ва яқинларимиз ишончини оқлаймиз.

Оксана ЧУСОВИТИНА,
Спорт гимнастикаси бўйича уч карра жаҳон чемпиони,
жаҳон кубогига соҳиби:



— Президентимиз бундан бир неча йил муқаддам Олимпия ўйинларида иштирок этган спортчи ва мураббийлар билан учрашувда Оксана Чусовитина иxtисос-лаштирилган гимнастика спорт мактаби-ни ташкил этиш ташаббусини илгари сур-ган эди. Шундан сўнг тезда амалий иш-лар бошланиб кетди. Мана, бугун кўриб турибмизки, қисқа фурсатда кўз ўнгимиз-да энг замонавий шароитларга эга бўлган муҳташам мактаб биноси қад ростлаб турибди.

Давлатимиз раҳбарининг мактабимиз-га ташрифи барчамиз учун бир умрлик таассурот қолдирди. Президентимиз биз-га қарата “Нима учун биз бу йўналишга катта эътибор бериб, мактаблар яратяп-миз? Гимнастика — ҳамма спорт турла-рининг асоси. Футболчи ҳам, боксчи ҳам,

соғлом бўламан деган инсон ҳам гимна-стика қилиши керак. Иқтисодиётни ривож-лантириш, ёшларга таълим бериш билан бирга уларни спорт билан шуғуллантира олсак, юртимизда соғлом зурриёт, соғлом миллат бўлади”, дея таъкидлади. Бу сўзлар нафақат мен, балки барча юртдошларимизга, спортчиларимизга, гимнастика спорт турига қизиқувчи ёшла-римизга айрича руҳ бергани мукаррар.

Мактабда гимнастикачи ёшларимиз ҳам яшаб, ҳам таълим олиб, машғулотлар ўтказмоқда. Умуман олганда, бу маскан гимнастикачилар учун республикадаги ягона ўқув-машғулот базаси, десак ҳам адашмаймиз.

Даргоҳимиз 5 — 11-синфлардаги 105 нафар ўқувчига мўлжалланган бўлиб, айни чоғда 91 нафар ўғил-қиз спорт сир-ларини ўрганмоқда. Улар спорт билан шу-ғулланиш баробарида билим олаётгани, иккита хорижий тилини ўзлаштираётгани ҳам алоҳида таҳсинга сазовор.

Ўқувчиларимиз ўтган йили спорт гим-настикаси ва бадий гимнастика бўйи-ча халқро мусобақаларда 4 та, респуб-лика турнирларида 6 та ва спорт мак-таблари ўртасида 24 та медалини қўлга киритди. Бу — олиб бораётган ишлари-мизнинг дебосчаси, албатта. Мақсадла-римиз янада юксак: жонаҳон Ватанимиз-га садоқат билан хизмат қилувчи, халқ-парвар ҳамда жаҳон чемпионларини тарбиялашдан иборат.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт



Жойларда энергия тежовчи технологиялар қандай жорий этилмоқда?

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси мажлисида Наманган вилоятида қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ҳолати кенг муҳокама қилинди.

Вилоятда қайта тикланувчи энергия манбалари самарадорлигини ошириш орқали энергия тақчиллиги қопланishiни таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилган.

Хусусан, жами 31,2 МВт қувватдаги қуёш панеллари ўрнатилиши таъминланган, шундан ижтимоий соҳа об'ектлари ва давлат идораларида 15,37 МВт, тадбиркорлик субъектлари бино ва иншоотларида 11,91 МВт, кўп қаватли уйларда 0,32 МВт ҳамда аҳоли хонадонларида 3,6 МВт қувватдаги қуёш панеллари ўрнатишган.

“Қуёшли хонадон” дастури бўйича 44 та жисмоний шахс томонидан ўз истеъмолидан ортган ва ягона энергетика тизимига сотган 20,1 МВт электр энергияси учун 20,1 млн. сўм субсидия ажратиш борасидаги рўйхат солиқ идораларига юборилган.

Шунингдек, ўтган йили 331,5 млн. кВт-соат электр энергияси тежашга эришилган. Қуз-қиш мавсуми якунига қадар тежалган табиий газ 78 млн. куб метрга етказилиб, бу борадаги мақсадли кўрсаткичлар бажарилган.

Муҳокама жараёнида энергия ресурсларини тежаш, энергия самарадорлигини ошириш борасида айрим муаммо ва камчиликлар мавжудлигига эътибор қаратилди. Бу бўйича вилоят, вазирлик ва идоралар масъул раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Жумладан, прокуратура органлари томонидан “Техно Mir Savdo” МЧЖ раҳбари Чоротқ туманидаги 53-умумтаълим мактабига қуёш панелларини ўрнатишда 141,1 млн. сўм бюджет маблағини талон-торож қилганлиги аниқланиб, ушбу

ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатишган.

Косонсой, Учқўрғон туманлари ва Наманган шаҳрида кичик ва микроЭСларни барпо этиш бўйича ишлар муддатидан кечикаётгани айтилиб, вилоят ҳокимлиги ва Энергетика вазирлигига тегишли кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, вилоятда 44 та кўп қаватли уйга қайта тикланувчи энергия қурилмаларининг ўрнатилиши белгиланган бўлса-да, амалда “Яшил энергия” тизими дастурида 33 тага 320 кВт ўрнатишганлиги, уларнинг белгиланган меъёрдан камлиги танқид қилинди.

Вилоятда “АСКУЭ” тизимига уланган 651,5 мингта ҳисоблагичнинг 13,2 мингтаси талабга жавоб бермаслиги, 16,8 мингта ҳисоблагич билан тизимда алоқа мавжуд эмаслиги ҳамда электр узатиш тармоқлари талаб этиладиган 200 та концентратор билан таъминланмагани, электр энергияси истеъмоли ўсишига йўл қўйилганлиги ҳам қайд этиб ўтилди.

Муҳокама якунлари бўйича сенаторлар фикр-мулоҳазаларини билдириб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақлиф ва тавсияларини берди.

Жумладан, вилоятда электр энергияси ва табиий газни тежаш режаси бажарилишини таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш борасида тарғибот ишларини кучайтириш, кичик ва микроЭСларни қуриш ишларини қатъий назоратга олиш зарурлиги айтилди.

Мажлис якунида Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚАРО ДАРАЖАДАГИ МОЛИЯ-ИҚТИСОДИЁТ МУТАХАССИСЛАРИ ТАЙЁРЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан “Ўзбекистонда халқаро даражадаги молия-иқтисодиёт мутахассисларини тайёрлаш: муаммо ва ечимлар” мавзuida давра суҳбати утказилди.

Давра суҳбати

Қонунчилик палатаси депутatlари, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон сертификатланган молия мутахассислари уюшмаси (ACFP), Тошкент давлат иқтисодиёт университети мутасаддилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, кейинги йилларда юртимизда иқтисодиёт ва молия соҳасидаги олий таълим муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уларда самарали бошқарув тизимини йўлга қўйиш, ўқув жараёниларига энг сўнгги педагогик технологияларни жорий қилиш, илгор хорижий тажрибага эга илмий-педагогик кадрларни тайёрлашга қаратилган муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, иқтисодиёт, молия ва солиқ соҳалари бўйича дунёдаги сўнгги тенденциялар, молиявий технологиялар, илгор хорижий тажриба ва реал иқтисодиёт талабларини ҳисобга олган ҳолда олий маълумотли кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича салмоқли ишлар бажарилди.

Президентимизнинг шу йил 7 февралдаги “Иқтисодиёт соҳалари учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Ушбу ҳужжат билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети таркибига Тошкент молия институтини ва Фискал институт қўшилди.

— Ҳар бир даврда кадрлар масаласи мамлакатлар тақдирини ўқув ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, — деди Бюджет ва иқтисодиёт масалалар қўмитаси раиси ўринбасари Дуррбек Аҳмедов. — Шу маънода, кейинги йилларда юртимизда кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизими тубдан такомиллаштирилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган барқарор ўсиш масалаларини ҳал этишда иқтисодиёт ва молия соҳалари учун юқори малакали ҳамда халқаро талабларга мос кадрлар жуда керак.

Тадбирда сўз олганлар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш бўйича давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 февралдаги тегишли қарорига мувофиқ, ўтган даврда амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Қайд этилганидек, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) бўйича мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Сертификатланган дипломи бухгалтерлар халқаро ассоциацияси (ACCA, Буюк Британия) билан халқаро таълим стандартлари асосида МХХС бўйича кадрлар тайёрлашга қаратилган меморандум имзоланди. Шунингдек, ACCA билан ўзаро ҳамкорлик жараёнида 19 дан ортққ ўқув марказлари халқаро аккредитациядан муваффақиятли ўтди. Бу эса МХХСга мувофиқ ўқитиш сифатини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича мутахассисларнинг меҳнат бозорига кириши учун шарт-шароитларни яхшилаш мақсадида Иқтисодиёт ва молия ва-

ган барқарор ўсиш масалаларини ҳал этишда иқтисодиёт ва молия соҳалари учун юқори малакали ҳамда халқаро талабларга мос кадрлар жуда керак.

Тадбирда сўз олганлар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш бўйича давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 февралдаги тегишли қарорига мувофиқ, ўтган даврда амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Қайд этилганидек, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) бўйича мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Сертификатланган дипломи бухгалтерлар халқаро ассоциацияси (ACCA, Буюк Британия) билан халқаро таълим стандартлари асосида МХХС бўйича кадрлар тайёрлашга қаратилган меморандум имзоланди. Шунингдек, ACCA билан ўзаро ҳамкорлик жараёнида 19 дан ортққ ўқув марказлари халқаро аккредитациядан муваффақиятли ўтди. Бу эса МХХСга мувофиқ ўқитиш сифатини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича мутахассисларнинг меҳнат бозорига кириши учун шарт-шароитларни яхшилаш мақсадида Иқтисодиёт ва молия ва-



зирлиги томонидан олий таълим муассасаларининг педагог кадрлари ҳамда талабалари, давлат органи ходимларининг МХХСга ўқитиш ва бухгалтерларнинг халқаро сертификатлари доирасида дастлабки рўйхатдан ҳамда имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш харажатларини қоплаб бериш тизими жорий этилди. Бугунги кунга қадар 2 405 нафар талабгорга 5, 910,8 млн. сўм қоплаб берилди.

Давра суҳбати давомида Сертификатланган дипломи бухгалтерлар халқаро ассоциацияси (ACCA, Буюк Британия) малакаси, молия-иқтисодиёт мутахассисликлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва сер-

тификатлашга халқаро стандартларни жорий этиш мақсадида қонунчиликни такомиллаштириш, аудиторларни сертификатлашнинг халқаро ва миллий тажрибаси ва бошқа масалалар юзасидан ҳам маърузалар тингланди.

Тадбир якунида ACFP ва ACCA қўшма имтиҳонларини ўтказиш тўғрисида битим имзоланди. Бу жаҳоннинг 180 дан ортққ мамлакатларида эътироф этиладиган “Молия ва бизнесни бошқариш” халқаро дипломига Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ солиқ солиш ва ҳуқуқ бўйича имтиҳонларни киритиш имконини беради.

«Халқ сўзи».

Фикр

Ёш авлодни иллатлардан асрайлик

Кейинги йилларда мамлакатимизда гиёҳвандлик воситалари, улар аналоглари ва психотроп моддалар, шунингдек, кучли таъсир килувчи моддаларнинг қонунга хилоф равишдаги муомаласига қарши курашиш борасида тизимли ишлар амалга ошириллаётир.



Бирок бугунги кунда гиёҳвандлик воситаларини тарғиб қилишнинг янгида-янги усуллари пайдо бўлмоқда. Гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш, улардан фойдаланиш усуллари интернет, оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб этиш, жойларда девор ва йўлларга интернет-дўкон манзилнинг матни ёки графикасини чизиш (“наркографити”) орқали реклама қилиш ҳолатлари учрамоқда. Шу билан бирга, гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш учун миқозларини топишда ахборот технологиялари ва интернетдан фойдаланиш ҳолатлари ҳам кундан-кунга ортиб борапти.

Мутахассислар маълумотларига кўра, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни виртуал майдонда реклама қилиш ёки сотиш билан боғлиқ ҳолатлар 2021 йилда икки юзта атрофда аниқланган бўлса, ўтган 2023 йилда етти мингдан ортққ бундай ҳолатлар аниқланган. Бу эса аҳолининг ёш авлодини бундай иллатлардан асраш борасида кечиктириб бўлмайдиган чораларни қўриш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Бундай салбий ҳолатга қарши курашиш ва гиёҳвандлик билан боғлиқ вазиятни ўнглаш мақсадида ҳудудларда аниқланаётган ҳолатлар ўрганилиб, статистик маълумотлар таҳлил этилиб, зарур чоралар қўриллапти. Жумладан, 2022 йилда махсус идораларо ишчи гуруҳи тузилди ҳамда унинг асосий вазифаси этиб интернет тармоқларида наркотик моддаларнинг рекламаси ва савдоси билан шуғулланувчи онлайн дўконлар манзилларини аниқлаш, уларни блокировка қилиш ҳамда аҳоли яшаш масканларида гиёҳвандлик воситалари савдоси амалга оширилаётган электрон дўконларнинг манзилларини акс эттирувчи “наркографити”ларни аниқлаб, ўчириш белгиланди.

Бу вазифаларни бажариш учун бир қатор ботлар яратилиб ҳамда мазкур ботлар орқали келиб тушаётган маълумотлар асосида турли тадбирлар ташкил этилиб келинмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг олти ойи мобайнида республика бўйича жами 4 239 та “наркографити” аниқланиб ўчирилган ва уларга алоқадор бўлган 25 нафар шахс ушланган.

Айтиш жоизки, бундай ҳолатларда айбдор шахсни, яъни жиноятчини аниқлаш қанчалки мураккаб эканлиги барчага аён. Шунинг учун ҳам бундай йўлга кирган шахсларга нисбатан қатъий жазо чораларини қўллаш “қонун устувор, жазо муқаррар” принципини амалда

рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Шу ўринда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, шунингдек, кучли таъсир килувчи ва захарли моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомаласига қарши курашишга қаратилган ўзғартириш ва қўшимчалар қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси қорорида келтирилган муаммоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий асосини яратишга қаратилган, десак, бундай ҳолат бир йил ичида такроран содир қилинса жиноий жавобгарлик белгилаш тақлиф этилмоқда.

Бу қонун лойиҳаси бежиз ишлаб чиқилмади. Чунки ҳозирги кунда мамлакатимизда ёшлар орасида гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар ҳамда таркибидида кучли таъсир килувчи моддалар бўлган дори воситаларининг интернет, шу жумладан, турли ижтимоий тармоқлардан мессенжерлар орқали тарқалишининг салбий тенденцияси кузатилаётгани юртимизнинг эртанги кунига беварқ бўлмаган барчани хавотирга соллапти.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва кучли таъсир килувчи моддаларни тарғиб этишни махсуслати тайёрлаш, тарқатиш ҳамда унинг рекламаси, бундай моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш учун маъмурий ва жиноий жавобгарлиқни кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бу воситаларнинг виртуал майдондаги рекламаси ва сотиш ҳолатларининг барвақт олдини олишга хизмат қилади.

Жуманов ОТАЖОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

БОЛАЛАР МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ КАФОЛАТИ

Болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш барча ривожланган мамлакатларда давлат сиёсатининг бирламчи вазифаларидан саналади. Юртимизда ҳам эртанимиз эгалари — фарзандларимизнинг жисмонан ва маънавий етук инсонлар бўлиб камол топиши учун барча имконият ва салоҳият ишга солинмоқда.

Конун кучга кирди

Бинобарин, “Инсон кадри учун” ғояси ҳамда “хеч кимни орқада қолдирмаслик” тамойилига таяниб олиб борилган конституциявий ислохотлар доирасида янги тахрирдаги Конституциямизга боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кафолатларини кучайтиришга қаратилган янги илгор нормалар киритилди. Хусусан, Асосий Қонуниимизда боланинг жисмоний, ақлий ва маънавий ҳаётдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш бўйича кафолатлар кучайтирилди, бу борада давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари кенгайтирилди. Шунингдек, ота-оналарнинг фарзандлари олдидида мажбурият алоҳида кўрсатилди. Давлат ва жамият ота-она васийлигидан маҳрум бўлган ва етим болаларга ғамхўрликни ўз зиммасига олиши қайд этилди. Оналик ва болалик давлат муҳофазасида экани қатъий мустаҳкамланди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда юртимизда бола ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Соҳада янги ёндашув ва услублар жорий этилди. Бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид махсус қонунчилик базаси яратилиб, унинг ижроси юзасидан самарали ҳуқуқий механизм йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг бола манфаатларини таъминлаш борасидаги қатъий сиёсий иродаси туфайли амалга оширилган тизимли чоралар натижасида бугун, жумладан, неонатал ўлим кўрсаткичларининг сезиларли пасайиб бораётгани, мактабга таълим қамровининг 76 фоизгача кескин ошгани ва албатта, болалар меҳнатига батамом барҳам берилгани эътиборга молик. Бу натижалар нафақат миллий даражада,



балки жаҳон миқёсида ҳам эътироф этилмоқда.

Айтиш жоиз, миллий қонунчилигимизда бола ҳуқуқлари билан боғлиқ қонун ҳужжатлари сони 40 дан, қонуности ҳужжатлари сони мажбурият алоҳида кўрсатилди. Давлат ва жамият ота-она васийлигидан маҳрум бўлган ва етим болаларга ғамхўрликни ўз зиммасига олиши қайд этилди. Оналик ва болалик давлат муҳофазасида экани қатъий мустаҳкамланди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда юртимизда бола ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Соҳада янги ёндашув ва услублар жорий этилди. Бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид махсус қонунчилик базаси яратилиб, унинг ижроси юзасидан самарали ҳуқуқий механизм йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг бола манфаатларини таъминлаш борасидаги қатъий сиёсий иродаси туфайли амалга оширилган тизимли чоралар натижасида бугун, жумладан, неонатал ўлим кўрсаткичларининг сезиларли пасайиб бораётгани, мактабга таълим қамровининг 76 фоизгача кескин ошгани ва албатта, болалар меҳнатига батамом барҳам берилгани эътиборга молик. Бу натижалар нафақат миллий даражада,

аҳамиятга эга. Қолаверса, унинг парламент вакили сифатида бирламчи вазифаси бола манфаатларига оид қонунчилик ижроси устидан самарали мониторинг — парламент назоратини олиб боришдир. Бу жараёнда эса бир қатор саволлар юзатга келади.

Ҳўш, бугунги кунда янги тахрирдаги Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган бола ҳуқуқлари қай даражада таъминланмоқда? Қонун нормаларини қўллашда ва умуман олганда, турли ижтимоий ҳуқуқий вазиятларда болаларнинг энг устун манфаатларига риоя этиш қай ҳолатда?

Шак-шубҳасиз, ана шу масалалар Болалар омбудсмани фаолиятининг асосий функционал йўналишини белгилайди. Мазкур институт бола манфаатларини илгари суриш, уларни ҳимоя қилиш мақддига эга бўлган, айни вақтда ўз фаолиятини фақат ва фақат болалар ҳуқуқларини ҳимоялашга йўналтирадиган муштак илгари оради.

Шу нуктаи назардан айтганда, Президентимиз томонидан шу йил 29 февралда имзоланган ва кучга кирган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги Қонун ушбу институтнинг самарали ишлаши, болалар ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилиниши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлди, десак, асло аниқлишмаймиз.

Қонунда Болалар омбудсманининг асосий вазифалари белгиланди. Бола ҳуқуқларига оид давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда БМТ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини бажаришда иштирок этиш, бола ҳуқуқлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларни қўриб чиқиш орқали боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, бола ҳуқуқларига оид қонунчилик талабларининг ижросини ўрганиш, бола ҳуқуқлари таъминлашнинг мониторинг қилиш кабилар ишлар жумласидан. Шунингдек, Болалар омбудсмани имконияти чекланган, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий мослашувиға кўмаклашди, бола-

нинг ҳуқуқларига риоя этиш ҳамда улар ҳимояси ҳолати бўйича жамоатчиликни хабардор қилади.

Қонун билан Болалар омбудсмани фаолияти доирасидаги асосий ваколатлари ҳам ўрнатилди. Хусусан, мансабдор шахсларга қонунчилик бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида оғохлантириш юбориш ва тақдимномалар киритиш, қонун ҳужжатлари лойиҳалари бўйича тақлифлар киритиш, экспертизадан ўтказиш ва палаталар мажлисларида иштирок этиш, маърифий ва таълим дастурларини, илмий-амалий семинарларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда қатнашиш, болага нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадар-қимматли камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича чоралар назарда тутилди.

Шу ўринда Болалар омбудсмани фаолиятининг самарали ва таъсирчан ташкил этилишига хизмат қиладиган айрим муҳим нормаларга алоҳида тўхталиш жоиз. Жумладан, парламент мажлисларида Болалар омбудсмани маърузаси ҳар йили ешитилиши кўзда тутилди. Бу ваколат орқали Болалар омбудсмани бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида эътибор қаратилиши зарур бўлган долзарб муаммоларни парламент майдонига олиб чиқади ва уларнинг ечимини бўйича тақлифлар беради.

Болалар омбудсманига мансабдор шахсларга қонунчилик бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида оғохлантириш ва тақдимномалар киритиш ҳуқуқи берилди. Бундай ҳуқуқ, шубҳасиз, Болалар омбудсмани фаолияти таъсирчанлигини оширади. Хусусан, бола манфаатлари бузилишига йўл қўйган ҳар қандай мансабдор шахсга

Умуман айтганда, Болалар омбудсмани фаолиятини қонуний тартибга солиш, унинг сиёсий мақомини кучайтириш ва ваколатлари таъсирчанлигини оширишдан мақсад — юртимизнинг ҳар бир кичик фуқароси, ҳар бир боланинг янги тахрирдаги Конституция ва қонунларда кафолатланган барча ҳуқуқ-имкониятларини таъминлашдир. Бу эса Болалар омбудсмани зиммасига катта масъулият юклайди.

Сурайё РАҲМОНОВА, Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани).

Баҳор, аёл ва санъат

нафосатга йўғрилган яратувчи куч, табиатнинг бебаҳо инъоми

Баҳор ва аёл. Назаримизда, бу икки тушунча ўзаро уйғун ва муштарак. Зотан, иккиси ҳам нафосат бобида бетақрор, яратувчи куч, табиатнинг бебаҳо инъоми. Шу боис аксарият аёллар баҳорни ҳуш кўради, ундан куч-қувват, руҳий мадад олади. Яна шу ҳам аёнки, ҳар баҳор аёлга нозик жинс вакили, ардоқланувчи мўътабар зот эканини эслатади. Чунки бу фаслда уларнинг суюкли байрами — 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланади.

Аслида баҳорда ҳар биримизнинг қалбимизда, онгу руҳимизда уйғониш, кўтаринкилик, юксалиш рўй беради. Бу ўзгаришлар жисму жонимизга ажиб оҳанглар оғушида оқиб киргандек бўлади. Ўз-ўзидан юракларимиз ҳаприқиб, соҳир наво-ларни истаб қоламиз. Азалдан куй-қўшиқ кишиларни яратувчанлик, бунёдкорлик, умуман, эзгуликка ундаб келади.

Мамлакатимизда санъатнинг ана шундай қудратли кучидан унумли фойдаланиш, миллий маданиятимизни, бебаҳо қадриятларимизни асраб-авайлаш, янада ривожлантириш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, юртимизда Халқаро мақом санъати анжумани, Халқаро бахшчилик санъати фестивалини ўтказиш аънанавий тарзда йўлга қўйилгани янги Ўзбекистон дувруғини дунёга кенг ёйишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу нуфузли тадбирларга дунёнинг турли ҳудудларидан ташриф бую-

айниқса, ёшлар қалбида уларга нисбатан ҳурмат ва садоқатни шакллантиришда муҳим ўрин тутаяпти.

Юртимизда 15 апрель санасининг “Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни” сифатида кенг нишонланаётгани соҳа жонқуярларининг қадри ҳамда мақоми юксалиб бораётганидан далолат.

Халқимиз юрагига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини бетақрор сўз, оҳанг, ранглар билан олиб кириб, миллий маданиятни юксалтиришни ҳаётининг маъно-мазмунни деб билган, жамиятимизда эзгулик, адолат, ватанпарварлик, бағрикенглик фазилатларини барқарор этиш, Ўзбекистонимизнинг бекиёс санъати ва аъналарини дунёга танитиш йўлида Фидокорона хизмат қилаётган юртдошларимизнинг қамтарона меҳнати қадрлаб келиняпти. Улар турли давлат мукофотлари билан тақдирланмоқда. Бу тақдирини санъат йўлига боғлаган минглаб инсонлар руҳини кўтараятир, кучига куч қўшмоқда, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Шурки, глобаллашув таъсири, “оммавий маданият” исканжасида қолиб, унутилишга юз тутга бошлаган ноёб мақомларимиз бугун давлати-



миз раҳбарининг юксак меҳр-муҳаббати, алоҳида ғамқўрлиги туфайли яна қадрини тиклаб олди.

Асрлар давомида моҳир бастакорлар, ҳушовоз ҳофизу созанда-ларнинг заҳматли меҳнати, ижодий тафаккури билан сайқал топиб келаётган муҳташам мақомларимиз нафақат юртимиз ва Шарқ мамлакатларида, балки жаҳон микёсида катта шухрат қозонмоқда. Зеро, халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъати ўзининг қадимий тарихи, теран фалсафий илidlзлари, бой ижодий аънаалари билан маънавий ҳаётимизда алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода, “Шашмақом”нинг ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида эътироф қилиниши ҳамда унинг Репрезентатив рўйхатида киритилиши санъатимиз тарихида улкан воқелик бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда мақом санъатини янада ривожлантириш, бу борада шаклланган ижро ва ижодий мактаблар ҳамда аънааларни, буюк бастакорлар, ҳофиз ва созандалар меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, қайта тиклаш, мумтоз ижро намуналарининг “олтин фонди”ни яратиш, халқимиз, хусусан, ёш авлодни мақом санъати билан кенг таништириш орқали уларда миллий ўзлиқни англаш туйғусини, юксак бадиий-эстетик дид ва тафаккурни камол топтиришга қаратилган хайрли ишлар жадал суръатларда олиб борилаётир.

Улуғ аҳдодимиз Ибн Сино “Тиб қонунлари” китобида хуш оҳангнинг инсон руҳиятига таъсир кучига шундай баҳо беради: “Гўдакнинг организм чинқиши учун икки нарса зарур: бири уни аста қимирлатиб тебратиш, иккинчиси эса — онанинг қўшиғи. Биринчиси, боланинг танасига, иккинчиси, руҳига тегишлидир”. Демак, руҳий улғайиш санъат билан боғлиқ. Куй, оҳанг, қўшиқ ҳар бир инсоннинг, айниқса, аёл зотининг руҳига, қон-қонига теран синган ва ҳаёт давом этар экан, улар ҳам яшайверади. Шу маънода, юртимизда санъат ва маданиятни янада юксалтиришга қаратилган эътибор нафис хилқат эгаларини доим қувонтиради, кўнглини тўқ қилади. Бинобарин, юқорида урғу берганимиздек, баҳор, аёл ва санъат нафосатга йўғрилган яратувчи кучдир.

Муножат ЙЎЛЧИЕВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

ХУНАРЛИНИНГ ИШИ – УНАРЛИ

Риштонда туғилган боланинг манглайи хунар билан кўтарилади, десак, асло муболага бўлмайди. Мен болалигимдан оиламизнинг бобомерос устахонасида улғайдим, кулолликка меҳрим тушди. Асрлар мобайнида сайқалланиб келаётган халқимизнинг эзгу фазилатларига хос бундай қадриятлар бугун ҳам ҳар бир риштонлик ҳаётида яққол акс этиб турибди.

Риштон кулолчилиги чин маънода жаҳонга юз тилиб, ушбу тармоқ туманининг ўзига хос брендига айlandи. Унинг самараси сифатида тадбиркорлик, сайёҳлик жадал ривожланиб, маҳсулотларимиз дунёнинг барча қиъаларида тобора харидорғир бўлиб бормоқда. Айни йўналишда Япония, Туркия, Италия, Буюк Британия, Озарбайжон каби жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги мазкур хунар равнақ топган шахарлари билан биродарлашган шахар мақомига эга бўлди. Туманимизда жаҳон андозлари даражасида фаолият кўрсатувчи ўнлаб кулоллик, сайёҳлик ҳамда тадбиркорлик марказлари янгидан ташкил этилди.

Яқин йилларгача ўз хонадонимизда кулолчилик юмушлари билан банд бўлардик. Кейинги йилларда бу соҳага қаратилган эътибор ва рағбат туфайли кулолчи тадбиркорга айlandим. Оила аъзоларимиз билан бирга туманда барпо этилган “Кулолчилик саноат зонаси”дан ер олиб, 50 та иш ўрни яратдик. Йиллар давомида қаровсиз ётган дашт ердан 1,2 гектар ўзлаштириб, замонавий иссиқхона ташкил этдик. Бу ерда маҳалла аёлларининг 20 нафари ишли бўлди.

Ўзим истикомат қиладиган “Марказ” МФЙда ҳам хунармандчилик драйвер соҳа сифатида белгиланган бўлиб, 750 дан зиёд оилалар ҳар бирининг ўз юмуши ва даромади бор. Шу боис “темир дафтар”, “ёшлар дафтари” рўйхатида ҳеч қан йўқ. Биргина жорий йилнинг ўзида маҳаллада 75 та лойиҳани амалга ошириш орқали 100 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш мақсад қилинган.

Президентимиз ташаббуси билан кейинги беш-олти йилда Риштон тумани маркази замонавий шахарсозлик меъморчилиги аънаалари асосида мутлақо янги-ча кўринишга эга бўлди. Эзгу ишларга муносиб хисса қўшиш ниятида ҳаж зиёрати учун йиғиб қўйган маблагимни қурувчиларнинг озик-овқати учун ажратдик. Қурилиш ишлари аяқланганга эса тумандаги кам таъминланган оилаларнинг 16 нафар фарзандининг суннат тўйини ўтказиб бердик.

Биз, аёллар ҳар йили 8 мартни ўзгача хурсандчилик билан нишонлаймиз. 2020 йилнинг ушбу кулгў айёми ҳаётимда бир умр унутилмас хотиралар қолдирди. Чунки шу йили дастлаб “Мўътабар аёл” кўкрак нишонин билан тақдирланган бўлсам, пойтахтда ташкил қилинган асосий байрам тадбирида давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи “Дўстлик” орденини тантанали равишда топширди. Тошкентдан бошланган байрам шуқури туманда, маҳаллаимиз, Беғубор гўдак ҳиди нондек азиз.

Хозирда уч нафар ўғлим, икки келиним ва беш на-биранинг ардоғида умргузаронлик қилмоқдаман. Тўнғич ўғлим тадбиркор, кейингилари кулолчилик билан шугулланади. Хунармандчилик маҳсулотлари, иссиқхонада пишадиған бодринг-помидорни истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб берамиз.

Айтганча, юртимизда кўклам нафаси сезилиб, деҳқону хунармандлар катта ишларга чоғланаётган шу кунларда оиламизда яна бир қақалок дунёга келди. Айни кунларда бувилик меҳрим жўш уриб, набирамнинг бошида парвонаман. Беғубор гўдак ҳиди нондек азиз.

Дориламон кунларга етказганига шурқ. Элимизда баҳор айёмлари, хурсандчилик кунлари бардавом бўлаверсин!

Израбу УСМОНОВА,
Риштон тумани

ШИФОКОР ДОИМО ИЗЛАНИШДА БЎЛИШИ КЕРАК

Шифокорлик — шарафли ва машаққатли касб. Шу боис инсонлар дарадига дармон бўлиб, уларнинг соғлом ҳаётга қайтишига сабабчи бўлаётган фидойи тиббиёт ходимларига халқимиз ҳаммша ҳурмат-эътибор кўрсатади. Давлатимиз ҳам ушбу шарафли касб эгаларини эъозлайди, ардоқлайди.

Соҳада иш бошлаган кунларим болалик орзуим амалга ошганидан севиниш билан бир қаторда, зиммамга жуда катта масъулият тушганини ҳам англадим. Чунки шифохонага ҳар бир бемор саломатлигини тиклаш илминжида келади. Ана шундай бир вазиятда шифокордан тортиб ҳамшира-гача унга амалий ёрдам кўрсатиб, мушулини осон қилиши керак.

Айни пайтда бир неча йилдан буён Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқ-ли тиббиёт марказининг жаррохлик бўлимида бош ҳамшира вази-фасида ишлаб келмоқдаман. Марказимизда 694 нафар ўрта тиббиёт ходими бор, барчамиз доимо изланиш, янги билимларни ўзлаштириш ҳаракатидамиз. Чунки тиббиётда кундан-кунга янгиликлар кўпаймоқда, ўз устида муттасил ишламаган, изланмаган шифокор замондан орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас.

Асосийси, бугун соҳадаги барча янгиланишлар халқимизни рози қилишга қаратилган. Шу маънода айтсак, марказимизнинг жаррохлик бўлимида ойига 400 — 500 та операция амалга оширилади. Шунинг камида юзтасини юқори технологияли жаррохлик амалиётлари ташкил этади. Ана шу тиббий амалиётларнинг муваффақиятли баҳарилиши учун шифокорлар билан бир қаторда, ҳамширалар ҳам бирдек меҳнат қилиши, соҳага кириб келаётган янгиликларни ўзлаштириб бориши, мустақил равишда касаллик белгиларига асосан ҳамширалик таххисини қўйиш, беморга дадда бўлиб муаммоларни англаб, тўғри тиббий ёрдам ва парварши режасини белгилай олиш лаёқатига эга бўлиши зарур.

Албатта, бу талаблар бизни фақат олдинга инти-лишга чорлайди. Айниқса, ҳукуматимиз томонидан тиббиёт соҳасини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор, мутахассисларнинг ўз тахрибаларини ошириш мақсадида тинимсиз изланиш олиб бораётганилиги халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончини янада оширмоқда.

Дилбар БАҲРОМОВА,
Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг олий тоифали катта ҳамшираси.



Хотин-қизлар – давлат ва жамият эътиборида

Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан:

● аёллар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган **30 дан ортиқ** меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди;

● ўтган 7-8 йил давомида **1339 мингдан** зиёд хотин-қизлар бандлиги таъминланди;

● бугунги кунда **2000 дан ортиқ** хотин-қизлар турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқда;

● ўтган йили “аёллар дафтари”га киритилган **993 минг 386 нафар** хотин-қизнинг муаммоси ҳал этилган;

● олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабаларнинг **598 000 нафарини,** яъни **49,8 фоизини** хотин-қизлар ташкил этади;

● тадбиркорликда аёллар улуши 2017 йилдаги **21 фоиздан 37 фоизга** кўтарилди.



ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР УЛКАН МАРРАЛАР САРИ РАҒБАТЛАНТИРАДИ

Ҳар бир халқ ўз спортчиларини яхши кўради, фарзандларини уларга ҳавас руҳида улғайтиради. Шу маънода, юртимизда спортга қаратилган эътибор, спортчиларга яратилаётган имкониятлар замирида она Ватан байроғини кўнларга кўтаришга бел боғлаган ўғил-қизларнинг орзу-умидлари, истак-ниятларини рўёбга чиқаришдек эзгу мақсад мужассам. Биздан қутилаётгани эса, ҳаракат қилиш, меҳнатдан қочмаслик, масъулиятли, ўз ишига содиқ ва албатта, интилувчан бўлишдир.

Ота-оналаримиз, яқинларимиз дуога қўл очар экан, ҳаммша фарзандимиз эл назаридаги инсон бўлсин, дея ният қилади. Ана шундай пайтларда одамни қандайдир ҳадиқ босади, яқинларимизнинг ишончини оқлай оламанми, деган ўй кечади. Бироқ ўз қўрқувларини енгган, мақсадлари сари олға қадам ташлаган инсон ғолиблик

маррасига албатта, етиши кўп бор исботланган ҳақиқат.

Мана, ўн йилдики, спортнинг қаратэ тури билан мунтазам шуғулланиб келаман, терма жамоа аъзосиман. Ўтган йиллар мобайнида кўплаб ютуқларни қўлга киритдим. Фаолиятим зарварақларига 8 қарра Ўзбекистон, 1 марта Осиё, Беларусда бўлиб ўтган МДХ ҳамда

Хитойнинг Ханчжоу шахрида ташкил этилган ёзги Осиё ўйинлари чемпиони деб ёзилди. Бундан ташқари, Туркиянинг Кўнё шахрида ўтказилган Ислом бирдамлиги ўйинларида бронза медаль, Миллий спорт мукофоти билан тақдирландим. Булар ҳали бошлангани, олдиндаги мақсадларим янада улкан ва унга етилиш йўлида асло тўхтаб қолмайман.

Очиги, яқин пайтларгача юртимизда қаратэ спорт тури билан шуғулланувчилар учун алоҳида спорт базаси йўқ эди. Биз ҳаммша дзюдо, таэквондо спорт базаларида машғулотлар ўтказишга мажбур эдик. Ўтган йили Президентимизнинг қарорига асосан биз учун ка-



ратэ спорт базаси қуриладиган бўлди. Бу хабар бизнинг, дўстларимиз ва устозларимизнинг кўксимизни тоғдек юксалтирди, беҳад хурсанд бўлдик. Чунки энди ўзи-

мизнинг спорт базамиз бўлади, жиддий тайёргарлик кўриб, албатта, жаҳон чемпионлигида ҳам ғолибликни қўлга киритамиз.

Эътироф этиш жоизки, хотин-қизларга берилаётган имкониятлар бугун жуда кўп. Қулай шарт-шароитлар ғалабаларимизга пойдевор бўлмоқда. Мен ҳам кўпчилик опасингиллар каби устозлар изидан бориб, бундан кейин ҳам жонахон Ўзбекистонимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга, жаҳон ареналарида мадҳиямизнинг маҳдун янграшига хисса қўшишга интиламан.

Севинча РАҲИМОВА,
қаратэ бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси.

2024 йил 1 апрелдан бошлаб иссиқлик таъминоти хизматлари учун ҚҚС бўйича имтиёз бекор қилинади

Хурматли Тошкент аҳолиси!

Эслатиб ўтамиз, 2023 йил 28 декабрда қабул қилинган “2024 йил учун солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшим-

чалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ айрим хизматларга, шу жумладан, иссиқлик таъминоти хизматларига қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)нинг ноль ставкаси бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси тегишли янгиликларни эълон қилди, шунингдек, видеомурожаатда тегишли тушунтиришлар берди.

Бу нимани англатади?

1 апрелдан бошлаб иситиш тизими ва иссиқ сув таъминоти хизматлари учун тўлов-ни амалга оширишда қўшимча қиймат солиғининг 12 фоизи белгиланган тарифга қўшилади. Илгари ушбу хизматларни тақдим этиш учун товар айланмаси ноль ставка бўйича ҚҚСга тортилар эди.

ҚҚС Давлат бюджетига тушади ва иссиқлик таъминоти тарифининг бир қисми эмас.

ҚҚС аванс тўловлари (олдиндан тўлов)га таъсир қиладими?

Таъсир қиладди, бироқ 2024 йил 1 апрел-

дан бошлаб. Бундай ҳолда, тарифни қайта ҳисоблаш мумкин эмас. ҚҚС тарифнинг бир қисми эмас, балки солиқ ҳисобланади, шунинг учун 1 апрелдан бошлаб иссиқлик таъминоти хизматлари учун барча тўловлар ҚҚС билан амалга оширилади.

Иссиқлик энергиясини сотишда ҚҚСни ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 242 ва 265-моддаларига мувофиқ бажарилади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 18 433 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

Тахририятга келган кўлаёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.
Газета тахририят марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфия ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Т. Эшбоев.
Мусахҳиш — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.55 Топширилди — 01.45 1 2 3 4 5 6